

**“ХУСН ВА ДИЛ” ДОСТОНИДА ИЛОҲИЙ ИШҚ ТАРАННУМИ**

*Эргашева Нилуфар Акрамжон қизи,*

*Ўзбекистон Миллий университети талабаси*

**Аннотация:** Уибу мақолада Муҳаммадниёз Нишотий ҳаёти ва ижодий мероси, “Хусн ва Дил” достони ўзбек мумтоз адабиётидаги кубравийлик тариқати ва анъаналари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ирфоний асарларининг издошилари ва кейинги давр адабиёти вакиллари ижодига таъсири масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** Муҳаммадниёз Нишотий илми, Шайх анъаналари, Дил, Ақл, Ишқ, Назар, Нафсану, Рақиб (дев маъносида), Ваҳм, Сабр, Ҳиммат, Ҳаёл, Тавба, Илҳом.

Достонда бир қанча бетакрор рамзий образлар яратилади ва улар асар мазмун-моҳиятини тўлақонли очиб бера олган. Муҳаммадниёз Нишотий мазкур тимсоллар воситасида ўзининг тасаввуфга оид илмий-назарий қарашларини ҳам образли ифодалай олган. Адиб асарда янгиликка астойдил интилган. Бу асарда ҳар бир образнинг (Дил, Ақл, Ишқ, Назар, Нафсану, Рақиб (дев маъносида), Ваҳм, Сабр, Ҳиммат, Ҳаёл, Тавба, Илҳом) ҳамда жойларнинг номланишида (Қалъаи Бадан, Шаҳри Оғият, Дијда қасри, Зухду Риё тоғи (Жабли масехо), Дарёйи Ҳайрат, Дијдор шаҳри) тасаввуфий истилоҳлар, айниқса, кубравийлик таълимотининг маҳсус атамалари танланилганлиги дарров сезилади. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, ўй-ҳаёлларига Нажмиддин Кубро асарларидаги ирфоний қарашлар сингдириб юборилган. Адабий қаҳрамонлар, образ сифатида мажозан тасвирланган иштирокчиларнинг кўпчилиги кубравийлик таълимотидаги соликнинг ҳолату мақоми, фазилату хислатлари эканлигини бу таълимотдан хабардор ўқувчининг англамаслиги мумкин эмас. Муҳаммадниёз Нишотий ҳаёти ва ижодий мероси билан танишар эканмиз, унинг тасаввуф таълимотидан



таъсирланганлиги, хусусан, кубравийлик таълимоти ғояларига эргашганини кузатдик ва иқрор бўлдик.

Адиб достон муқаддимасида асарни ёзишга унданган ва уни рухлантирган шахс сифатида Эшон Шарафиддин исмини тилга олади: “Хусрав била Шайх Низомий ва Мир Кабир била Ҳазрати Жомий китоби муҳаббат абвобининг томошосида эрконимда робитаи силсила асхоб хафо ва воситай қилодан арбоби сафо, яъни эшон Шарафуддин муборак ниҳод қутбул-автод сояи баландпоясин бошимфа солиб манга ҳам девон такмили ва урфон таҳсилига фармойиш қилғонининг калимоти”<sup>1</sup>.

*Дема ани бир киши дунё дегил,*

*Оламаро олами кубро дегил.*

*Ғавси замон эрдию, қутби макон,*

*Оти шараф зоти шарафдин нииён*<sup>2</sup>.

Асардан олинган мана шу маълумотга таяниб, биз Нишотий тариқат сирларини ва тасаввуф таълимотини Эшон Шарафиддиндан пухта ўрганган, дея тахмин қила оламиз. Қолаверса, Адиб Хоразм фарзанди сифатида кубравийлик таълимоти ва унинг асарлари билан яқиндан танишган бўлиши табиий ҳолдир.

Адиб асарнинг ёзилиш сабабини изоҳлар экан, мана бу мисраларни келтиради:

*Ҳар киши ўз таъбича иншио қилур,*

*Тоза сўзи эл аро пайдо қилур.*

*Аҳли сухан чунки эрур кимиё,*

*Туфраки зар янглиг этар хушинамо*<sup>3</sup>.

Адиб бу ўринда сўз санъаткорларини тупроқни олтинга айлантирувчи кимёгарга ўхшатади. Бу гўзал ташбеҳнинг асосини эса биз Нажмиддин Кубро ижодида кузатамиз. Барчамизга маълумки, кубравийлик тариқати “Тариқат уз-

<sup>1</sup> Муҳаммадниёз Нишотий. Хусн ва Дил. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1967, – Б. 35.

<sup>2</sup> Ўша асар.–Б.39.

<sup>3</sup> Ўша асар.–Б.28.



захабия” яъни олтин тариқат номи билан машхур бўлган ва Нажмиддин Кубро бу ҳақида рубоийларидан бирида:

*Дарвеш аҳли асли фано таҳтида шоҳ,*

*Ҳар икки жаҳон моҳиятидин огоҳ.*

*Олтин бўлишини тиласанг мис вужудинг,*

*Бу тоифа кимё – бўл уларга ҳамроҳ<sup>4</sup>,* –

дейди. Нажмиддин Кубро Ҳақ йўлида раҳнамоларни кимёгарга ўхшатади. Бу йўлда юрган инсонларнинг камолотини миснинг олтинга айланишига қиёслайди, Нишотий эса айни шу ташбехни ўз асарлари билан инсониятнинг ҳалокатидан огоҳ этувчи, нафсни тарбия этувчи адибларга нисбатан қўллади.

Адиб достоннинг асосий қаҳрамони Фуоднинг туғилишига таъриф бериб: “Фуод вало ниҳоднинг таваллуди вужудининг адоси ва ҳақиқат инсонини мажоз шарҳ қилмоқ, яъни ҳар нимарса оғоқда пайдо бўлса, анфусда ани хувайдо этмоқнинг ибтидоси...”<sup>5</sup> дея бошланадиган бобида Ақлшоҳ ва малика Нафснинг фарзанди туғилишдаёқ ташқи оламда нимаики бор бўлса, барчасидан бир жуз унда мавжудлигин айтади ва уни “ҳақиқат инсони” дея эътироф этади. Тасаввуфий манбаларда Ақлнинг эркак, Нафснинг аёл жинсида берилиши маълумдир. Ва уларнинг никоҳидан қалб –қўнгил туғилади. Муҳаммадниёз Нишотийдан олдин яратилган шу номдаги асарларнинг барчасида қаҳрамоннинг исми Дилдир. Нишотий эса достонида бу “Ҳақиқат инсони”, яъни комил инсонни тамсил этган қаҳрамоннинг исмини Фуод деб номлайди:

*Гарчи эрур Ҳусну Дил ушибу савод,*

*Дилнинг оти мунда қўйуб ман Фуод.*

*Ансаб эди исм бўлурга яқин,*

*Бўлгуси бу фаҳм элига дилнишин<sup>6</sup>.*

<sup>4</sup> Бектошева А. Шайх Нажмиддин Кубро . (Ушбу рубоий Эргаш Очилов томонидан таржима қилинган бўлиб, ҳали нашр килинмаган) – Т.: Наврӯз, 2019, –Б. 183.

<sup>5</sup> Муҳаммадниёз Нишотий. Ҳусн ва Дил. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967, –Б.40.

<sup>6</sup> Ўша асар. – Б. 45.



Адибнинг қаҳрамон исмини бундай ўзгартериши бежиз эмас. Дил, яъни қалб, умумий тушунчани англатади.

---

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001. – 244 б.
2. Ойбек. Адабий-танқидий мақолалар. МАТ. XIII том. – Т.: Фан, 1979. – 512 б.
3. Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Т.: Фан, 1992. – 89 б.
4. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
5. Османов Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. –М.: Наука, 1974. – 272 с.
6. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. –344с.
7. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
8. Жамолинг менга бас. Шайх Нажмиддин Кубро. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 24.
9. Муҳаммадниёз Нишотий. Ҳусн ва Дил. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. – 375 б.
10. Нажмиддин Кубро. “Факирлик ҳақида рисола” (арабчадан М. Махмуд таржимаси) // // Тафаккур ж. – Т., 1995. № 3-. 4. – Б. 67-71.
11. Нисорий Ҳасанхожа. Музаккири аҳбоб. – Т.: Ҳалқ мероси, 1993. – 421 б.
12. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 240 б.
13. Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 88 б.
14. Паҳлавон Маҳмуд. Ишқ ёғдуси. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 96 б